



АЛИШЕР  
НАВОИЙ  
АРБАЪИЙН

550

НАВОИЙ КУТУБХОНАСИ

НАВОИЙ ҚУТУБХОНАСИ

---

АЛИШЕР НАВОИЙ

АРБАЪИЙН

Нашрга тайёрловчилаар:  
КАРИМБЕК ва САИДБЕК ҲАСАН  
Шарҳловчи: АЛИБЕК РУСТАМ

«МЕРОС» НАШРИЕТИ — ТОШКЕНТ — 1991

### Таҳрир ҳайъати:

АЛИБЕК РУСТАМ, ҚАРИМБЕК ҲАСАН, АЗИЗ БОБОХОН, МАҲКАМ МАҲМУД, АСРОР САМАД (масъул муҳаррир), ОМОНУЛЛО МАДАЕВ, ОТАЖОН УРФОН

Муҳтарам китобхон! Навоийнинг «Арбаъийн», «Чинҳил ҳадис» ва «Қирқ ҳадис» деб аталиб келинаётган асари Абдураҳмон Жомийнинг шу номдаги таълифининг туркий таржимасидир. Жомий солиҳона ҳаёт учун зарур, аммо шарҳталаб бўлган қирқта ҳадис-и набавийни тушуниш ва ёлаш осон бўлсин учун форсчага назм йўли билан таржима қилган ва асли билан биргаликда бир китобча ҳолига келтирган. Навоийга бу китобча маъқул бўлиб, Жомийнинг руҳсати билан уни туркийлаштирган.

Қўлинигиздаги китобча Навоийнинг мана шу асарининг нусхасидир. Бу нусхани ҳозирлашда Навоий куллиётининг Париж нусхаси асос қилиб олинди. Париж миллий кутубхонасида сақлананаётгани бу қўллэзманинг фотонусхаси марҳум Ҳамид Сулаймонининг иҳтимоми билан Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қўллэзмалар институтига келтирилган эди. 1893 йилда Лахтин матбаасида ва 1907 йилда Боғчасаройда Исломлек Фаспиринский матбаасида тошбосма қилинган «Чинҳил ҳадис» лардан қўмакчи нусха сифатида фойдаланилди.

Шу билан бирга, ҳурматли китобхонларга шуни маълум қиласизки, Алишер Навоий йилида «Нур» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси «Алишер Навоий кутубхонаси» деб аталмиш туркумни жорий этди. «Мерос» нашриёти бу яхши ташаббусни қўллаб-қувватлади — «Арбаъийн» шу туркумнинг биринчи рисоласидир.

Туркум «Нур» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмасининг маблағи асосида амалга оширилган.

## ОРИИ ҰЛМАСИН ПАЙГАМБАР СУЗИДАН АТРОК

Бинобарин, неча-неча асрлар ўтиб ҳам туркii ҳалқлар, оз фойиз уламо кишиларни ҳисобга олмаганда, на Қуръон, на ҳадиси шариф сўзларининг маъносидан хабардор бўлганлар. Ҳатто Алишер Навоий замонига қадар ҳам, яъни араб тили ўқитиладиган, Қуръон ва шунга онд китоблар маънолари тушунтириладиган мактаблар, мадрасалар тўла ва ҳатто қудратли куч билан ишлаб турган пайтда ҳам атрок (туркийлар) Қуръон ва ҳадиси шариф сўзларининг фасоҳатлари (каломи фасиҳ)ни тушунавермаганилар. На фақат туркийлар, балки форсийлар ҳам бундан маҳрум эдилар. Ана шу бўшлиқни, Муҳаммад Мустафо дини билан ҳалқлар орасидаги катта масофани тўлдириш мақсадида Абдураҳмон Жомий энг сахиҳ, энг мутьабар ҳадислардан қирқтасини териб олиб «Чиҳил ҳадис» («Қирқ ҳадис») асарини яратди. Биз буни тўла масъулнят билан асар, дедик. Аслида Абдураҳмон Жомий қирқта танланган ҳадисни форсийга таржима қилган. Ажабки, тўртликлар орқали форсий забонларга етказилган бу рубонйлар мустақил ахлоқий асарлар сифатида баҳоланса, қадрланса арзийди. Чунки Жомийга хос мутафаккирлик,

фасоқатлилик ҳадис-и шариф сўзларига шеърият, чуқур фалсафий ҳаёт бахш этган. Ва ҳазрат-и Жомий ижозати-ю дуоси билан, устоду пирининг таълифларини туркий забон бирла баён этмак мақсадида Алишер Навоий қўлига қалам олди, ажабки, яна Навоийвор шиддат ва ғайрат, буюк истеъдод билан бирники кунда иҳтимом этди. Навоий не ишга, не асарга қўл урмасин, барчасини чуқур мулоҳаза, катта ғайрат билан бошлаб, гўзал тарзда итномига етказган. Бу навбат ҳам шундай бўлди, Жомий таржима қилган, тўғрироғи форсий тил билан нақл этган чил (қирқ) ҳадис (хабар) Навоий қалами билан туркий тилда жаранг берди. Туркий тилда инсонни камолотга унданган бу ҳадисларнинг Навоий руҳига сингишини, уининг доҳиёна қалб қўри тўқилганини билмоқ учун маълум доирада буюк шоир қарашларига мурожаат қилиш талаб этилади.

Маълумки, Алишер Навоий асарларида ҳоким бўлган руҳ самимият, соддалик, азму ирода, холис инятлилик, жиҳдият ва покиза ахлоқ қатъиятлари билан ифода этилади.

Ким шима десни, аммо шоир бўлишлик илоҳий қудрат намунасиdir, соддароқ қилиб айтганда, худо берган хислатdir. Энди бу хислатга файласуфлиқ, доҳиёна тафаккур, сўфиёна покизалик қўшилса буни авлиёлик, деб атамоқ жоиз бўлади. Дуруст, Алишер Навоий умуминсоний қадриятларини куйлаган жаҳоний шоир. Аммо ҳар қандай шоир қалбига ҳам қандайдир ғоя етакчилик қиласи. Ўзубча йўқки, Алишер Навоий буюк мутаффакир сифатида кўпгина фанлардан, жаҳон фалсафий тафаккуридан, диний ақидалардан

воқиғ бўлган, хусусан, ислом динини унинг барча нозик жиҳатлари гача билгаи, Қуръоннинг сура-ю оятларини энг нозик маънолари гача тушунган. Унинг мутафаккир сифатидағи фазилатлари га ислом оламининг руҳи, ислом оламидаги ахлоқий фазилатлар мос келган. Маълумки, ижодкор хоҳ тасвир устаси бўлсин, хоҳ шоир бўлсин, қалби ва шуурига келмайдиган мавзуга қўл урмайди, қўл уролмайди ҳам. Шу гапни мутаржимга нисбатан ҳам айтиш мумкин. «Арбаъийн»да Алишер Навоий мутаржим сифатида намоён бўлади.

Демак, Алишер Навоий диндор бўлганлиги, яъни мусулмон шоир бўлганлиги учунгина, ёхуд Жомийга шогирдона садоқат учунгина эмас, ёки фақат туркӣ ҳалқларни шу ҳадислардан хабардор қилиш мақсадидагина эмас, балки бу ҳадислар ўз фалсафий-ахлоқий қарашлари га, ҳаётий эътиқодлари га мос келганлиги учун ҳам ушбу ҳадисларни туркӣ забон билан ифода этди.

Алишер Навоий инсон зотини озода кўриши, унинг буюк камолот касб этишини бир умр орзу қилди. Шу орзу йўлида ўзининг жаҳоншумул асарларини яратди, сиёсат бобида жафо чекди ва «Арбаъийн»ни таълиф этиш ҳам шу орзу йўлида қилинган эзгу ишлардан бири эди.

Биз бугун поклик, маънавий қадриятлар излаётган мاشаққатли кунларимизда буюк устозимиз Алишер Навоий асрлар оша бу сафар ўз таржималари билан авлодлар хизматига «лаббай» дея белларини чусту руст боғлабдилар.

Асрор САМАД



## Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳим

Ҳамд ангаким, қаломи хайрмаол  
Қилди элга расулидин ирсол<sup>1</sup>.  
Ул расулеки, ҳам қаломи фасиҳ  
Элга тегурди, ҳам ҳадиси саҳиҳ<sup>2</sup>,  
То<sup>3</sup> улус жаҳлдин ҳалос бўлуб,  
Илм хилватгаҳига хос бўлуб,  
Чун<sup>4</sup> тамуқдин<sup>5</sup> нажот топқайлар,  
Учмақ ичра ҳаёт топқайлар<sup>6</sup>.  
Жалла зикруҳ зиҳе илоҳи рафиъ,  
Ҷазза қадруҳ зиҳе расули шафиъ<sup>7</sup>.

Чун сафо аҳли<sup>8</sup> пок фаржоми,  
Покфаржом-у покфар Жомий<sup>9</sup>  
Ул яқин сори дастгир<sup>10</sup> манга,  
Қиблаву<sup>11</sup> устоду пир манга,  
Ки, тутуптур жаҳонни таснифи,  
Назм девони, наср таълифи.  
Чунки ҳижратдан эл орасида сўз  
Сексан олти эди-ю секкиз юз<sup>12</sup>

Ким, яна түхфае аён қилдин,  
Түхфа йўқ, турфае баён қилди<sup>13</sup>.  
Ўқуғанда Бухори-у Муслим  
Қирқ сўз борча шубҳадин солим<sup>14</sup>.  
Наср ила назмни мураккаб этиб,  
Форсий лафз ила мураттаб этиб,  
Арбаъийне чиқардиким, жонлар,  
Балки қирқ арбаъийн чиқорғонлар.  
Топтилар анда нашъан мақсад  
Арбаъийндин нечукки, аҳли шуҳуд<sup>16</sup>.  
Форсийдонлар айлабон идрок,  
Орий эрди бу нафъдин атрок<sup>17</sup>.  
Истадимким, бу хайл ҳам бори  
Бўлмағайлар бу нафъдин орий.  
Мен демакни чу муддаъо айлаб,  
Ул<sup>18</sup> ижозат бериб, дуъо айлаб,  
Муддаъо чун бори савоб эрди,  
Ҳар дуъо қилди, мустажоб эрди.  
Бир-ики кунки, эҳтимом эттим<sup>19</sup>,  
Кўз тутурдин бурун тамом эттим.  
Бор умидимки шоҳи шаръойин<sup>20</sup>  
Ким, набий<sup>21</sup> шаръиға берур тазийин<sup>22</sup>,  
Чун ул авроқ<sup>23</sup> сари солғай кўз,  
Айлагай кўнглига асар бори сўз.  
Насридин<sup>24</sup> дағи баҳравар бўлғай,  
Назмидин ҳам анга асар<sup>25</sup> бўлғай,  
Бу кун ўлса ҳадисларға мутъ<sup>26</sup>  
Тонгла бўлғай муҳаддис анга шафиъ<sup>27</sup>.

Ла: йўъмину аҳадукум ҳатта йа ҳиббу  
ли-ахиҳи ма: йа ҳиббу ли-нафсиҳ(и)<sup>28</sup>

Мўъмин эрмастур улки, иймондин  
Рўзгорида юз сафо кўргай.  
Токи, қардошиға раво кўрмас —  
Неким, ўз нафсиға<sup>29</sup> раво кўргай.

Ман, аъта: ли-л-ла:ҳи ва манаъа  
ли-л-ли:ҳи ва аҳабба ли-л-ла:ҳи<sup>30</sup> ва  
      ‘абғаза ли-лла:ҳи  
фа-қади-с-такмала’ иймануҳ (у)<sup>31</sup>

Кимга-ким ҳубб-у буғз-у манъ-у ато,  
Хаққ<sup>32</sup> учун бўлди жазм бил они

Ким, эрур тенгри лутфидин комил  
Аҳл-и имон қошида имони.

’ал-муслиму ман салима-л-муслимуна  
мин лисаниҳи ва йадиҳ (и)<sup>33</sup>

Ким мусулмонлиғ айласа даъво,  
Чин эмас гар фидо қилур жонлар.  
Ул мусулмондуурки, солимдур  
Тили-ю оғзидин мусулмонлар.

Ҳислатати ни ла: йажтамиъа:ни фи:  
мӯъминин 'ал-бухлу ва су: 'у-л-хулқ (и)<sup>34</sup>.

Мӯъмин эрсаиг, қилиб дурунгни иисор,  
Эл била равшан ўл нечукким шамъ<sup>35</sup>.  
Негаким, тенгри ҳеч мӯъминда  
Бухлу бадхўйлугни қилмади жамъ.

Йаши: бу ибну адама ва ташуббу фи:ҳи  
хислатати 'ал-ҳирсу ва ту:лу-л-'амал, (и).<sup>36</sup>

Одамийда агарчи воқиъ эрур  
Қариган сайн барча ишта халал,  
Икки феъли вале йигитрак ўлур,  
Бири ҳирсу, бириси — тули амал<sup>37</sup>.

Ман лам яшкури-и-на:са лам  
  яшкури-л-ла:ҳа  
ъазза ва жалла<sup>38</sup>

Улки, холиққа шукр дер аввал,  
Шокир ўлмоқ керак халойиқдин,  
Ким-ки, махлуқ шукрини демагай,  
Демагай шукр дағи ҳолиқдин.

Ман ламйарҳами-и-на:са ла:йарҳамху-л-  
ла:ҳу<sup>39</sup>

Тенгридин раҳм агар тамаъ қилсанг,  
Аввал ўлмоқ кераксен элга раҳим.  
Ҳар кишиким, улусқа раҳм этмас,  
Анга раҳм айламас раҳими карим.

'ад-дуня: малъу:натуи ва малъу:нун  
ма:фи:ҳа 'илла: Зикри-л-ла:ҳи таъа:ла:<sup>40</sup>

Дунёу ҳар не андадур мавжуд,  
Бўлди ҳақ лаънати гирифтори.  
Файри ҳақ зикриким, эрур зокир  
Тенгрининг раҳмати сазовори.

Луъина ъабду-д-инари: ва ъабду-д-дир-  
ҳам (и)<sup>41</sup>.

Раҳмат озодағаким, ул олмас  
Динору дирҳамин жаве ғамға<sup>42</sup>  
Лек лаънат ангаки, қул бўлғай,  
Хоҳ динору, хоҳ дирҳамға.

Дум ъала:t-таҳа:рати йув:саъу  
ъалаіка-р-ризқ(у)<sup>43</sup>.

Гар ҳамиша таҳоратинг бўлса,  
Ариғай фоқа<sup>44</sup> чирки ул сувдин.  
Тоҳир ўл, истасанг фузун рўзни<sup>45</sup>.  
Хосир<sup>46</sup> улким, итурди<sup>47</sup> бу сўдин<sup>48</sup>.

Ла:йулдағу-л-мўъмину мин жуҳрин  
ва:хидин мэрратайн (и)<sup>49</sup>

Эйки, бир ниш етти музийдин,  
Күнглунга неча узайса<sup>50</sup>, йотла<sup>51</sup>,  
Чунки мү'ъминни тикмади<sup>52</sup> ҳаргиз,  
Бир тушукдин йилон икки қатла<sup>53</sup>.

'ал-ъиддату дайнун<sup>54</sup>

Кимки, ҳар кимга ваъдае<sup>55</sup> қилди,  
Шарт эрур ваъдаға вафо қилмоқ.  
Ваъдаким, қилдинг, ўйладурким,  
дайн<sup>56</sup>  
Фарздур дайнни адо қилмоқ.

'ал-мажалису би-л-'ама:нати<sup>57</sup>

Қайси мажлисдаким, эшилтинг сўз,  
Билки, ул сўз санга амонат эрур.  
Гар ани ўзга ерга нақл этсанг,  
Ул амонатқа бу ҳиёнат эрур.

'ал-мусташа: ру мутаминун<sup>58</sup>

Ҳар кишиким, бирорни маҳрам<sup>59</sup> этиб  
Машваратта<sup>60</sup> амини роз<sup>61</sup> этти<sup>62</sup>,  
Гар яшурди билиб салоҳ сўзин<sup>63</sup>,  
Ўзини қалбу ҳийласоз<sup>64</sup> этти.

'ас сама:ҳу раба:ҳун<sup>65</sup>.

Қол<sup>66</sup> базл<sup>67</sup> ила, суд агар тиласанг,  
Оқибат-чун ўлум эрур мавжуд,  
Асраған қолур, улки, базл эттинг,  
Санга ҳамроҳ борур, ийнак<sup>69</sup> суд.

'ад-дайну шайну-д-дин(и)<sup>70</sup>.

Аҳли дин улдууркни, қилгай адо,  
Бот агар зиммасида дайн ўлғай.

Дайн адоси чу дин аломатидур,  
Беадолигда динда шайн<sup>71</sup> ўлғай<sup>72</sup>

'ал-қана: ъату ма:лун<sup>73</sup> ла: янфаду<sup>74</sup>

Хирсдан кечким, ул ғамедурким,  
Ҳадду ғойат эмас анга пайдо,  
Тут қаноатким, ул эрур моле  
Ки, ниҳоят анга эмас пайдо.

'ас-сабхату<sup>75</sup> тамнаъ-у-р-ризқа<sup>76</sup>

Субҳ уйқусин улки, айлар тарк.  
Ризқи рўзин ўзиға туш кўргай<sup>77</sup>.  
Улки, ғафлатдан этти навми сабух<sup>78</sup>.  
Бу шарафни магарки, туш кўргай<sup>79</sup>.

'а:фату-с-сама: ҳа (ти) 'ал-манн(у)<sup>80</sup>

Ҳар кишига рпъояте қилсанг,  
Миннат ўткармагил гумонинға.  
Негаким, ул карамга<sup>81</sup> офат эрур,  
Юкла миннат валек жонинға.

'ас-саъи:ду ман вуъиза би-ғайриҳ(и)<sup>82</sup>

Элга не келса, андин олмас панд<sup>83</sup>  
Улки, кўнглини қилди ғафлат банд.  
Қимки, панд олди элга тушкандин,  
Ани билким, эрур саодатманд.

Қафа: би-л-мар'и исман 'ан йуҳа:удиса  
би-кулли ма:самиъа<sup>84</sup>

Бу ёзуқ бас кишигаким, элдин  
Ҳар не сўзким, эшиитти, фош этти.

Тоғ әшитканни дер<sup>85</sup> гунохидий  
Гүйё тенгри ани тош этти.

Кафа: би-л-мавти ва:ъизан<sup>86</sup>.

Воъизинг бас ато-аю ўлуми  
Ким, аларча эрур санга носиҳ<sup>87</sup>.  
Воъизеким, айттуру<sup>88</sup> қилмас,  
Эрур ул воъизинг мунга рожиҳ<sup>89</sup>.

Хайру-и-на:с(и) ман ман йанфай<sup>90</sup>  
ли-н-на:с(и)<sup>91</sup>

Халқ аро яхшироқ дединг кимдур,  
Эшитиб, шубҳа айла рафъ<sup>92</sup> андин.  
Яхшироқ бил ани<sup>93</sup> улус ароким,  
Кўпрак ўлғай<sup>94</sup> улусқа нафъ андин.

'инна-л-ла:ҳа йуҳиббу-с-саҳла-т-талқ(а)<sup>95</sup>

Ҳақ сени севгай эй била қилсанг<sup>96</sup>  
Тўл-у кўнглунгни эл била якрўй<sup>97</sup>  
Нуқта сўрсанг шукуфта-ву<sup>98</sup> хандон,  
Зист қилсанг<sup>99</sup> кушода-ву<sup>100</sup>  
хушхўй<sup>101</sup>

Таҳа:ду: таҳа:ббу:<sup>102</sup>

Дўстлашинг<sup>103</sup> ҳадиїялар беришиб,  
Баҳра топқай<sup>104</sup> хирад атийласидин<sup>105</sup>  
Худ жаҳонда атийяе борму  
Яхшироқ дўстлуқ ҳадијасидин?<sup>106</sup>

'утлубу:-л-хайри ъинда ҳиса:—ни-л-ву-  
жуҳ(и)<sup>107</sup>.

Эйки, ҳар йштә ҳожатинг бүлсә,  
Яхши юзлугдин иста бахшойиш.  
То-ки бахшойишидин аввалроқ  
Күрмагидан етушкай осойиш.

Зур<sup>108</sup> ғаббан таздад ҳуббан<sup>109</sup>

Бир-бирин дүстлар агар гаҳ-гаҳ  
Күрсалар, дүстлуқ бўлур ғолиб.  
Шавқдин ихтилот<sup>110</sup> ўлур матлуб<sup>111</sup>,  
Васл учун орзу бўлур толиб<sup>112</sup>.

Ту:вба: ли-ман шағалаҳу ъайбуҳу ъан  
ъуйу би-н-на:с(и)<sup>113</sup>.

Эй хушо улки, айб кўрмамак ила  
Юз ҳунарвар маротибин<sup>114</sup> топқай.  
Иаъни, ўз айби пардаси<sup>115</sup> кўзига  
Ўзга эл айби чеҳрасин йопқай.

'ал-гина: ал-йаъсу<sup>116</sup> фир:ма' айди-н-на:си

Бойлиғ истар эсанг, эл илгида,  
Ҳар не кўрсанг, боридин ўл навмид.  
Бу фино баски, халқдин кечибон  
Тутсанг, умид ҳақдин — ўқ жовид.

Мин хуснил исла:ми-л-мар'и тарку-ҳу<sup>118</sup>  
ма:ла: йуъийбуҳ(у)<sup>119</sup>.

Ким-ки, ислом кўзгусида тилар  
Ҳар нафас ўзга бир сафо мавжуд<sup>120</sup>,  
Кечсун ул навъ барча ишидниким,  
Тенгри рози эмас, улус — хушиуд.

Лайса 'ш-шадиду би-с-сиръати:и<sup>121</sup>,  
иннама:-ш-шадиду-л-лазийна йамлику:на  
ъани-л-газаб(и)<sup>122</sup>.

Эмас ул паҳлавонки ўз қадрин<sup>123</sup>  
Бош уза элтибон нигун қилғай<sup>124</sup>.  
Паҳлавон они билки, етса ғазаб,  
Нафси амморани<sup>125</sup> забун қилғай<sup>126</sup>.

Лайса-л-ғаниййу ъан касрати-л-ъарзи<sup>127</sup>  
'иннама-л-ғаниййу би:-н-нафс(и)<sup>128</sup>.

Бой эмас улки мол касратидин  
Кўрмагай фоқаву талаб раңжин.  
Ани балким, худой бермиш анга  
Нафс матлуби<sup>129</sup> таркининг ганжин.  
'ал-ҳазму су: 'у1з-зани(и)<sup>130</sup>.

Ҳазм<sup>131</sup> боъис-дуурур ангаки, мудом  
Киши эл сари бадгумон ўлғай.  
Донмо эҳтиёт этар ангаким,  
Кайдлардин<sup>132</sup> анга амон ўлғай.

'ал-ъилму ла: йаҳиллу манъуҳ(у)<sup>133</sup>.

Эй хирадманд олимеки<sup>134</sup> санга  
Илмдин рўзий айлади<sup>135</sup> сониъ<sup>136</sup>  
Киши ўрганса, қилмағил маҳрум,  
Ёки нафъ олса, бўлмағил мониъ.

'ал-кали: мату-т-тайиба(ту)  
садақатун<sup>137</sup>.

Яхши сўз бирла ҳожат аҳлин сўр.  
Бермасаиг яхши туъмадин<sup>138</sup> нафақа,

Не учунким, расул қавли била  
Яхши сўз бордур эйлаким садақа.

Қасрату-д-дихк и йўми: ту-л-қалб(а)<sup>139</sup>.

Асру кўп кулма-ким, ўлар эрмиш  
Зиндадил<sup>140</sup> кўнгли кулгу касратидин.  
Муни ҳар ким-ки, билди, кўнғли била  
Кулмагай, ўлса кулгу ҳасратидин.

'алжанна (ту таҳта ақда:ми-л-  
уммаҳат:т(и))<sup>141</sup>.

Оналарнинг оёғи остидадур,  
Равзайи жаннату жинон<sup>142</sup> боғи,  
Равза боғи висолин истар эсанг,  
Бўл анонинг оёғи туфроғи.

'ал-бала:у муаккалун би-л-мантиқ(и)<sup>143</sup>.

Деди: кўп сўзлаган хато кўп этар,  
Улки: дерлар они валиюллоҳ<sup>144</sup>,  
Ҳар балоким етар, эрур сўздин,  
Буйла ҳукм айлади набилюллоҳ<sup>145</sup>.

'ан-назару ила: -л-мар'ати-л-ажнабийя  
саҳмун масму-мун мин сиҳа:ми  
Иблис(а)<sup>146</sup>.

Солма кўз, кимки бўлса номаҳрам,  
Гарчи нафсинг кўрар назорада суд  
Ки, назарким, ҳаром шайтоннинг  
Новакидур валек заҳролуд.

ла: йашбаъу-л-мўъмин(у) дууна  
жа:рих(и)<sup>147</sup>.

Кимки, мўъминдуур, қачон чидағай  
Ким, ўзи тўқу қўшни бўлғай оч.  
Анга дағи керак етурса касиб,  
Хонида гар кулмочу, гар умоҷ.

ал-хотима

Эйки, шахсингни холиқи фаттоҳ  
Деди: хаммарту<sup>148</sup> арбаъийн сабоҳ.  
Эрур ул арбаъийниг аввал ҳол,  
Айла бу арбаъийн била аъмол  
Ки бу навъ икки арбаъийн мавжуд  
Бўлса шоядки топқа-сен мақсуд.  
Етса мақсуд муддаъо бирла,  
Мени ёд эткасен дуъо бирла.  
Ки Навоийға ул дуъо еткай,  
Билбули руҳиға наво еткай.

Ва-л-ҳамду Ли-л-ла:ҳи ъала: тавфи:ки  
ҳааз-л-арабъи:ни ва-с-сала-ни  
а:лиҳи ажмаъи:ни  
-т-тайийби:на-т-та:ҳирийпа ва саллама  
тасли:ман касийран<sup>150</sup>.





## ШАРХ ВА ИЗОҲЛАР

1. «Анга» сийғасида берилган «ул» дан мурод Ҳақ Таолодир. «Хайрмаол» эзгулик билан якунланувчи, оқибати — эзгулик дегани. «Қаломи хайрмаол» дан мурод Қуръондир. «Расул» (элчи) дан мурод Мұхаммад пайғамбардир. «Ирсол қылмоқ» — юбормоқ. Демак, байтда ўз элчиси орқали элга уининг оқибатининг хайрли бўлишини таъминлайдиган қаломини юборган Ҳақ Таолога ҳамд, дейилган.

2. «Тегурмак» етказмак маъносида ҳам қўлланади. Сўзининг гўзаллигига «фасиҳ» дейилади. «Қаломи фасиҳ» дан мурод Қуръондир. «Ҳадис» (кўплиги — «аҳодис») мақол шаклидаги сўзлар. «Бобуринома» да «Ушниң фазилатида хейли аҳодис ворид бўлуптур», дейилган. Бу, мақолсифат сўзлар кўп айтилган, дегани. Ҳадисининг Мұхаммад пайғамбарга мансуби «Ҳадиси набавий» ёки «Ҳадиси шариф», дейилади. Аммо сифатсиэ ҳадисининг набавийлиги англашилмаган тақдирда «наба-

вий» ёки «шариф» сифати зикр этилмайди. «Саҳиҳ» нинг луғавий маъносин тузук, дурустдир. Ҳадиснинг қалбаки эмаслиги аниқ бўлса саҳиҳ дейилади. Ҳадиснинг саҳиҳ-лигини тасдиқловчи асосий далиллардан бирин укинг исподининг муттасиллиги, яъни узлуксизлигидир. Ҳадиснинг мана шу жиҳати назарда тутилганда уни «Ҳадис муттасил», дейдилар. Агар бунинг зидди бўлса, яъни Ҳадиснинг исподи муттасил бўлмаса, у «Ҳадис мурсал» ёки «Ҳадиси мунқатиъ» дейилади. Ҳадисшуносликда ҳадисни пайғамбарнинг оғзидан эшишган саҳобийга олиб борувчи шахслар спасиласи «испод» дейилади. Бу ерда Навоий «саҳиҳ» сўзини мазмун учун луғавий маъносида олган. Шу билан бирга унинг истилоҳий маъносидан бадният учун фойдаланган.

3. «То»— бу ерда мақсадни билдиради:

То... ҳаёт топқайлар — ҳаёт топмоқлари учун.

4. «Чун» «-гач» маъносида:— чун ... нажот топқайлар — нажот топқач.

5. «Тамуқ» ёки «тамуг»— дўзах; «учмақ» ёки «учмағ» ва учмаҳ»— жанинат дегани.

6. 2—4 байтлар бир гапдан иборат бўлиб, уни содда насрий таркиб билан берсак, шундай бўлади: Аллоҳ Таолонинг элчиси (расули) гўзал сўзлар битилган Қуръонни ва ишончли ҳадисларни улус (халқ) жаҳлдин (но-донликдан) холос ва илм хилватгоҳига (сирли оламига) хос бўлуб, тамуқдин (дўзахдан) нажот топқач, учмақ (жанинат) ичра ҳаёт топмоқлари учун элга ҳам фасиҳ калом (Қуръон), ҳам саҳиҳ (ҳақиқатдан иборат) Ҳадис етказади.

7. «Жалла зикруҳ (у)» (зикри улуғлансин)— Аллоҳ зикр этилганда айтиладиган дуо. «Зиҳе»— қандай ажойиб, «рафиъ» юксак дегани. «Ҷазза қадруҳ (у)» (қадри ортсин), расул (Мұхаммад) га дуо. «Шафиъ»— шафоат, яъни ўз умматига ҳомийлик қилгувчидир.

8. Сафо аҳли — ҳақиқат нуридан баҳраманд кишилар.

9. Фаржом — оқибати хайрли. «Покфаржом» «пок» сўзи юқоридаги «садо» нинг маънодоши ва «покфар» сўзларидаги «фар» сўзининг нур ва қут маънолари бор. Жомий — Абдураҳмон Жомий.

10. «Яқин» дан мурод ҳақиқат, «дастгир»— етакчи. Жомий Навоийга тариқат пири эди.

11. «Тасниф» дан мурод — илмий асарлар.

12. Демак, Абдураҳмон Жомийнинг «Чиҳил ҳадис» и 886- ҳижрий йилда ёзилган экан.

13. «Туҳфа» дан мурод —«Чиҳил ҳадис». «Иўқ» сўзи бу ўринда «эмас» нинг маънодоши. «Турфае» ажиб бир асар дегани.

14. Бухорий —«Алжомиъу-с-саҳиҳ» муаллифи, буюк муҳаддис Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий.

Муслим —Ас-саҳиҳ» муаллифи Муслим ибн Хажжож. Бу икки муҳаддиснинг зикр этилишига сабаб улар ҳар иккаласи асарининг номида «саҳиҳ» сўзининг борлинги ва улар йиққан ҳадисларнинг саҳиҳлигидир. «Сўз» дан мурод ҳадиси набавийдир.

15. Ҳадисларнинг асли мансур, уларнинг форсча таржимаси манзум бўлиб, асли билан таржимаси бирга берилган.

16. Биринчи «арбаъийн» дан мурод қирқ ҳадис ва Жомийнинг мазкур асари, иккинчи ва учинчи «арбаъийн» лардан мурод сўфийларнинг махсус чилласи. Аҳли шуҳуд — ҳақ мушоҳадаси мақомига эришганлар. Гапнинг мазмуни шунда: «Абдураҳмон Жомий қирқ ҳадисдан иборат «Арбаъийн» деган шундай асар яраттики, бундан жони бор кишилар, яъни инсонийлиги ҳайвонийлигидан устун шахслар, булагина эмас, ҳатто қирқ бор чилла чиқарган сўфийлар шуҳуд мақомига ноил бўлганларнинг тилакка эришгандаги кайфиятини топдилар.

17. Форсийдон — форс тилини билгувчи; идрок айламоқ — уқмоқ. «Орий эрмак»— бу ўринда бебаҳра бўлмоқ маъносида. Атрок —«турк» нинг кўплиги. Байтнинг мазмуни: Жомийнинг «Арбаъийн» и форс тилида ёзил-

ғанлигі учун ундан форсийни билгүвчілар баҳрамат, аммо форсийни билмайдыган (туркійзабон кишилар) ба-баҳра эди.

18. «Ул» дан мурод — Абдураҳмон Жомий.

19. Ихтимом этмак — күч сарфламоқ, ҳаракат қилмоқ.

20. Шаръойини — қонунга мувофиқ, одилона амал қылғувчи. Бу ерда «Шоҳи шаръойини» дан мурод — Ҳусайн Бойқаро.

21. Набий — пайғамбар. Бу ерда Мұхаммад пайғамбар назарда тутилған.

22. Тазийин бермак — безамак. Шоир «шариъати на-бавияни гүзәл тарзда амалга оширувчи шоҳ», демекда.

23. «Авроқ» (варақлар) дан мурод — Навоийининг ушбу «Арбаъийини» асари.

24. «Наср» дан мурод асарда назм билан таржима қилингани ҳадисларининг аслидір.

25. «Ласар» бу ерда таъсир маъносидан.

26. Мутинъ бўлмоқ — итоат қилмоқ, амал қилмоқ.

27. «Мұҳаддис» дан мурод — биринчи мұҳаддис, яъни Мұхаммад пайғамбар. Бу сўз санъат талаби билан ишлатилған. «Бу кун» дан мурод — дунёдаги ҳаёт даври, «тонгла» дан мурод — қиёмат. Шағиъ бўлмоқ — шафоат қилмоқ, қўллаб юбормоқ.

28. Араб тилида жумла ва бирикма охирида сўзининг тугамаси бўлмиш товушларин талаффуз қилмаслик қондаси бор. Шундай товушлар қавсга олинади.

Мазкур ҳадисининг таржимаси шундай: Қайси бирингииз токи ўзига раво кўрмаганини биродарига раво кўрар экан, имонли бўлмагай. Бу ердаги «биродар» сўзи ижтимоий маънода. Ҳамма мўъминилар бир-бирнiga биродар, яъни оға-ини ҳисобланади.

29. «Нафс» — бу ерда шахс маъносидан (кўплиги — «нуфус»).

30. Қўлёзмада «вааҳабба ли-л-лаҳи» калимаси тушиб қолған.

31. Ҳадиснинг таржимаси: Қимки Аллоҳ учун ато қилса ва Аллоҳ учун маън этса, Аллоҳ учун яхши кўрса ва Аллоҳ учун ёмон кўрса, имонини тўкис қилган бўлади.

32. Бу ерда Навоийнинг «ҳаққ» сўзидан фойдаланишига сабаб «Аллоҳ учун» деб ноҳақликка йўл қўймаслик шартлигини таъкидлашдир. Чунки «худо» йўлида зулм қилғувчилар ҳам бўлади.

33. Ҳадиснинг таржимаси: Кимнинг тили ва қўлидан мусулмонлар эсон бўлса, мусулмон шудир.

34. Ҳадиснинг таржимаси: Икки хислат — қурумсоқлик ва ёмон хулқ ҳеч бир мўъминда учрамайди. Демак бу хислатлар бор кинидан имон қочар экан.

35. «Нисор қилмоқ» (сочмоқ) — бу ерда сарф қилмоқ маъносида. «Равшан ўлмоқ (бўлмоқ)» — бу ерда очиқ юз билан хурсанд бўлмоқ. «Равшан»нинг дур ва шамъга иисбати бор. Бу Навоийдаги сўз тасаллутига мисол. Нечукким шамъ — шамъ каби.

36. Ҳадиснинг таржимаси: Одам ўғли (боласи) қарирр экан, унда икки хислат — очкўзлик ва дунёпарастлик яшаради, яъни кучаяди.

37. «Тули амал» (ҳавас узунилиги) — дунёга ҳирс қўйишдан киноя.

38. Яъни: ҳалққа шукр қилмаган ғолиб ва юксак Аллоҳга шукр қилмайди.

39. Яъни: Ҳалққа раҳм қилмаганга Аллоҳ раҳм қилмайди.

40. Яъни: Дунё (яъни бойликка ҳирс қўйиш) лаънатидур ва ундаги Аллоҳ Таолошинг зикридан ўзга нарсалар ҳам лаънатидур. (Бу ерда худога хуш келувчи, унинг зикри билан қилиниадиган, хайрли ишлардан бошқалари — лаънатидур, деган маъно бор — М. М.).

41. Яъни: Дишор бандаси ва ақча бандаси лаънатланади.

42. Озода: — дунё асоратидан қутилган қарамали киши. «Жаве» бу ерда бир арпачалик деган маънода. «Ғам» дан мурод — ишқ дарди.

43. Яъни: Покликни давом эттир, ризқинг кенгаяди.
44. Фоқа — қашшоқлик.
45. Фузун — ортиқ, зиёда. Рўзий — ризқ.
46. Хосир — зиён кўргувчи.
47. Итурмак — йўл йўқотмоқ.
48. Сув (томон) дан мурод — поклик йўли.
49. Ҳадиснинг таржимаси: Мўъмин бир индан икки марта чақилмайди, яъни уни бир газанде икки марта чақмайди.
50. Узайса, яъни чўзилса.
51. Ётламоқ — четламоқ. Ётла, яъни ўзингга олма.
52. «Тикмак» (санчмак) — бу ерда чақмоқ маъносида.
53. Демак, бирордан озор етадиган бўлса, унинг жароҳати кўнгилга ҳар қанча оғир ботса ҳам, кўнгилдан чиқариб юбориш керак экан.
54. Яъни: Ваъда қарздур.
55. Ваъдае — бир ваъда. Бундаги «е» «ёи ваҳдат» деб аталади ва бирлик ва ноаниқликни билдиради. Буни ноаниқлик билдирганда «ёи накара» ҳам дейдилар.
56. Дайн — қарз, бурч. «Эйла» сўзи «андоғ» инг маънодоши. «Эйладурким дайн» қарз қандай бўлса, шундайдир, қарз кабидир, дегани.
57. Яъни: Утиришлар амонатда сақланиши лозим.
58. Қўлёзмада «муътамин» сўзи «муътаман» шаклида берилган. Ҳадиснинг таржимаси: Маслаҳатчи амонатли бўлмоғи лозим. Яъни хиёнат қилмай, тўғри маслаҳат бермаги керак.
59. «Маҳрам» — бу ерда сирдош маъносида.
60. Машварат — кенгаш, мажлис.
61. Роз — сир.
62. Амин — сақловчи. Амин этмак — сақлаш учун топширмоқ, амонатга бермак.
63. Салоҳ сўзи — эзгу маслаҳат.
64. Бу ерда — «соз», «қалб» (тескарилик) га ҳам тегишли.

65. И smoилбек Fасpiринский нашрида биринчи сўзидаи «с»дан кейинги «а» «и» деб берилган. Қўлёзмада иккинчи сўздаги «а» ҳарфи «и» деб берилган. Ҳадиснинг таржимаси: очиққўллик суд (фойда) дир.

66. Босма нусхаларда «қол» ўрнида «мол». Бу ҳолда жумла бузилади.

67. «Базл»— молни аямай сарф қилиш, очиққўллик. Базл этмак — аямай сарф қилмоқ.

68. Чун эрур мавжуд — бор бўлгач, бор бўлгандан кейин.

69. Ийнак — мана шу.

70. Яъни: Қарз — дин ўксуклиг (нуқс) идир.

71. Шайн — ўксуклик (камчилик).

72. Босма нусхаларнинг бирида биринчи ва иккинчи мисралар ўрин алмашган. Ҳар иккала босма нусхада «дайн» сўзи «қарз» сўзи билан ва охириги мисра бошидаги «б» ҳарфи «и» билан алмаштирилган. Биринчи алмаштиришда қофия бузилган. Иккинчисида жумла мазмуни.

73. Босма нусхаларда «ма:лун» (молдир) ўрнида «канзун» (хазинадир).

74. Босма нусхаларда «ла:йанфаду» (тугамайди) ўрнида «ла:йафио» (йўқ бўлмайди). Ҳадиснинг таржимаси: Қанот тугамас молдир (Босма нусхаларда: Қаноат йўқолмас хазинадир).

75. Қўлёзмада «ас-субҳату» «ас-субҳату» деб берилиган. Босма нусхаларда «ас-сабҳату» ўрнида «навмус-саби: ҳа (ти). Иккала ҳолда маънода фарқ бўлмаса ҳам, биринчи ҳолда таъбир ва услугуб яхшироқдир.

76. Яъни: тонг уйқуси ризққа мониълик қилади.

77. Бу ердаги «туш кўрмак» ўнгига кўрмак деган маънода, охириги мисрадаги «туш кўрмак» уйқуда кўрмак дегани. Биринчи «туш» йўғон, иккинчи «туш» ингичка талаффуз қилинади.

78. Навм-и сабуҳ — тонгги уйқу.

79. Магарки туш кўргай — тушидагина кўриши мумкин.

80. Яъни: Саховатнинг офати миннатдир.

81. Босма нусхаларда «карамга» ўрнида «кишига».
82. Узгадан ўгит олган саодатлидир.
83. Босма нусхаларда «андин олмас панд» ўрнида «айламас парво». Бу ҳадиснинг аслига мувофиқ эмас.
84. Қўлёзмада «йўҳаддиса» сўзи «йуҳдиса» шаклида берилган. Ҳадиснинг таржимаси: Эшитган ҳар бир нарсанин сўзлашнинг ўзи кишига етарли гуноҳдир.
85. Акси садо назарда тутилган. Бу ерда ҳусни таълил бор.
86. Яъни: Улимда етарли ўгит бор.
87. Яъни: ота-онангнинг ўлимидан ўгит ола олсанг, шунинг ўзи ҳам етарлидир, чунки насиҳатчи шуларчалик бўлади.
88. Босма нусхаларда «айтур-у» ўрнида «ўзи вафо» деб берилган.
89. Рожиҳ — ортиқ, афзал. Қўлёзма нусхаларда «осиҳ (?)
90. Қўлёзмада «йанфаъу» (нафъ) еткуур) ўрнида «санфаъухум» (нафълироғингиз).
91. Кишиларнинг яхшиси халқقا нафъ келтирганидир.
92. Рафъ айламак — қўттармак.
93. Қўлёзмада: ани бил. Бу ҳолда вазн бузилади.
94. Босма нусхаларда «кўпрак ўлғай» ўрнида «ётса кўпроқ». Биринчи ибора Навоийонароқ.
95. Яъни: Аллоҳ оққўнгил, очиқоз кишини севади.
96. Босма нусхаларда: бўлсанг. 2—«эл»— қўл.
97. Якрўй — бир юзлама, самимий. Босма нусхаларда «эл била якрўй» ўрнида «эл била бир рўй».
98. «Шукуфта» (гулдай очилиб); бу ерда очиқ юз билан деган маънода.
99. Зист қиммоқ — яшамоқ.
100. Кушода — очилиб-ёзилиб.
101. Босма нусхаларда: хушрўй.
102. Қўлёзмада «б» ўрнида «н». Ҳадиснинг таржимаси: Совғалашингиз — дўстлашингиз!

103. Босма нусхаларда: дўстлашинглар. Бу ҳолда вазн бузилади.

104. Қўлёзмада — топқан.

105. Атийя берилмиш нарса.

106. Навоий бу ерда совға олиш-беришда берилган нарсанинг ўзи эмас, дўстлик муҳимлигини таъкидлаған. Ҳадиснинг аслидан ҳам шу маъно чиқади. Чунки «таҳа: ду» билан «тайа-ббу» орасида «ва» ёки «фа» борловчиси йўқ. Шунинг учун ундан ҳадиййалашниш дўстлашишдан иборат бўлиши керак, деган мазмун чиқади.

107. Қўлёзмада «ҳиса:н» ўринда «ҳаса:н» шаклида берилган. Ҳадиснинг мазмуни: Яхшиликни эзгу юзлилардан (юзи нуронийлардан) иста.

108. Қўлёзмада: зар.

109. Яъни: Гоҳ-гоҳ знёрат қил-у дўстликни орттири!

110. Ихтилот — аралашув.

111. Матлуб бўлмоқ — исталмоқ.

112. «Толиб бўлмоқ»— бу ерда «матлуб бўлмоқ»-нинг маънодоши. Навоий «бўлмоқ» феълининг маъно ҳусусиятидан моҳирона фойдаланиб, фоил (қилгувчи) ва мафъул (қилинмоқ) маъносидаги икки сийғани маънодош қилган.

113. Яъни: Хушҳоллик ўзга кишиларнинг айблари билан эмас, ўз айблари билан машғул бўлган кишидадир.

114. Маротиб —«мартаба» нинг кўплиги.

115. Босма нусхаларда: дийдаси.

116. Қўлёзмада «ал-йаъсу» (умидсизлик) ўринда «сан-на:су» (инсонлар).

117. Яъни: Бойлик — ўзга кишиларнинг қўлидаги нарсадан умидвор бўлмасликдир.

118. Қўлёзмада «тарку» ўринда «таркуҳу».

119. Яъни: Үзига мадад бермайдиган (савоб келтирмайдиган) амалларни тарк этиш киши исломинга ҳуснадир.

120. Мавжуд тиламак — бор бўлишини тиламоқ.

121. Қўлёзмада мафтуҳ «сад» ўринда мақсур «дод».

122. Яъни: Курашда йиқиш паҳлавонлик эмас, Фазабни бўйсундиргувчилар ҳақиқий паҳлавондир.

123. Бу ўринда «қадр» сўзи ҳариф маъносида. «Ғиёсу-л-луғат» да мазкур сўзнинг «қадар» шаклида ҳам келиши ва ҳар иккала шаклда улушдош ва шерик маъноларнда қўлланиши қайд этилган. Аммо бу сўз Навоийда туркий «қадир» (зўр, кучли) бўлиши ҳам мумкин.

124. «Нигун қилмоқ»— ағдармоқ.

125. Нафси аммора — ақлга ғолиблик қилгучи ҳайвоний қувватлар.

126. Забун қилмоқ — мағлуб этмак.

127. Исмоилбек нашрида «ъарди» ўрнида «ғариди» босилган, қўлёзмада «ъиззи ман».

128. Қўлёзмада охириги учта сўз «ва ғаниййун би-нафси» деб берилган. Ҳадиснинг мазмуни: Бойлик мато кўплигида эмас, ҳақиқий бойлик нафсга муҳтож бўлмаслиkdir.

129. Босма нусхаларда «нафс матлуби» ўрнида «нафс-и аммора» берилган. Бу маъно жиҳатидан хотўри бўлмаса ҳам, санъат нуқтаи назаридан номаъқулдир. Чунки «нафс-и аммора» олдинги парчада зикр этилган. Навоий бундай ҳолларда такрорга йўл қўймайди.

130. Яъни: Бадгумонлик хушёрликдир.

131. Ҳазм — ҳушёрлик билан оқибатини ўйлаб иш кўриш.

132. Қайд — макр.

133. Босма нусхаларда «ла:йаҳиллу манъуҳу» (уни манъ этиш ҳалол эмас) ўрнида «ла:йубхалу минҳу» (уни қизғанилмайди). Ҳадиснинг мазмуни: Билимга қаршилик қилиш ҳалол эмас.

134. Шу ўринда «олиме» ни «оламе» деб ўқиш мумкин.

135. «Рўзий айламак»— бу ерда насиб этмак маъносида.

136. «Сониъ» (санъат эгаси) дан мурод — ҳақ.

137. Яъни: Яхши сўз садақадир.
138. Туъма — емиш.
139. Яъни Кўп кулги кўнгилни ўлдиради (ҳақ маърифатидан бебаҳра қилиб, жаҳолат зулматига макон қиласди).
140. Зиндадил — (кўнгли тирик) — ориф, яъни ҳақ маърифатидан баҳраманд.
141. Яъни: Жаннат оналарнинг оёги остидадир.
142. Жинон — кўнгул.
143. Яъни: Балони тил қўзғайди.
144. Яъни: ҳазрати Али.
145. Яъни: Муҳаммад пайғамбар.
146. Қўлёзмада иккинчи, учинчи, тўртинчи ва олтиинчи сўзлар тушиб қолгаи. Ҳадисининг таржимаси: Бегона хотинга қараш Иблиснинг заҳарли бир ўқидир.
147. Яъни: Мўъмин қўшнисиз тўқ бўлмайди.
148. Ҳаммарту — қордим.
149. Аъмол —«амал» нинг кўплиги.
150. Ушбу «Арбаъийн» га муваффақ қилгани учун Аллоҳга шукр. Муҳаммадга, унинг барча эзгу ва пок ол(насл) ига ўзининг марҳамату раҳмати ёғилсии ва ғўпдин-кўп саломи бўлсин!

**«МЕРОС»** нашриёти «НУР» ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда Алишер Навоийнинг 550-йиллик қуттуғ түйига қуйидаги асарларни нашрга тайёрлади:

**Алишер Навоий. Арбажийн.**

Ушбу асар Навоийнинг устоди Абдураҳмон Жомийнинг форс-тожик тилида битган «Чил ҳадис» асарининг туркий тилига моҳирона таржимасидир. Навоий замонида расууллоҳ Мұхаммад алайхиссаломнинг ҳадиси-шарифларидан олингани ҳикматлы сўзлари асосида назм — шеърият бунёд этиш савобли, хайрли иш саналар, шу йўл билан инсонларни камолотга даъват этилар эди.

**Ҳусайн Бойқаро. Рисола.**

Шарқ Уйғониш даврининг етук вакилларидан бири, Алишер Навоийнинг буюк замондоши, нозиктаъб шоир ва йирик давлат арбоби, темурйлар авлодига мансуб султон Ҳусайн Бойқаронинг «Рисола» асари «Муножот» руҳида ёзилган; унда шоҳ ва шоир бу олам саодати ва чексиз неъматларига еткизгани, Жомий ва Навоий каби алломалар билан замондош ва ҳаммағас қўлғасиц үчун худои таолога шукроналар айтади.

**«МЕРОС»** нашриёти келгуси йили Шарқ халқларининг бой ижодий меросидан қуидағи асарларни босмадан чиқармоқда:

«Шарқ маданияти дурдоналари» туркумидан  
Саъдий. «Гулистон». «Бўстон». Форобий. «Фозиллар шаҳри аҳолиси».

Кошифи Й. Ахлоқи Мұхсиний.

«Саргузашт ва фантастика кутубхонаси» туркумидан Заҳирӣ Самарқандий. «Синдбоднома».

«Ал-Хўмро сирлари» («Ислом маданияти тарихидан»).

Алибек Сурур. Ажойибиома. (Ҳиндистонда Бобурйлар даври маданияти ҳаётидан).

«Мерос нашриёти «Нур» ижодий уюшмаси билан бирга Испания ва Кастилия элчиси, сайёх олим Руйи Гонзалес де-Клавихонинг «Самарқандга, Амир Темур саройига саёҳат кундаликлари» асарини адабиётшунос ва публицист олим Очил Тоғаев таржимасида нашрга тайёрламоқда. Китобга атоқли олим, Узбекистон фанлар академияси мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори Бўривой Аҳмедов асл манбалар асосида муфассал муқаддима ёзган.

Испания ва Кастилия элчиси Руйи Гонзалес де-Клавихо саёҳатномасида Амир Темур замонасида Урта Ер денгизи бўйидаги, Рум, Шом, Ироқ, Урта Осиё шаҳарлари ва у ерларда яшаётган халқларининг турмуши, маданияти, тарихига доир жуда кўп қимматли манбалар билан танишамиз.

Испан сайёҳи бу китобида ўз кундаликларига, Европа ва Хитой манбаларига суюнгани учун, уларни ойдинлаштириш мақсадида таржимон ва муҳаррир етарли изоҳлар ва шарҳлар беришган. Китоб ватанимиз тарихи ва маданияти билан қизиқувчи барча қироатхонларга мўлжалланған.

Литературно-художественное издание

На узбекском языке

АЛИШЕР НАВОИЙ

«АРБАЪИЙН»

(Сорок изречений)

Издательство «Мерос»— Ташкент —1991

Тэкризчи: ВАҲОБ РАҲМОН  
Муҳаррир: А. ФАЙЗУЛЛАЕВ  
Рассом: Т.САҶДУЛЛАЕВ  
Тех. муҳаррир: Н. СОРОКИНА  
Мусаҳҳих: М. ФОЗИЕВ

ИБ № 4

Босмахонага берилди 21.05.91. Босншга рухсат этилди 23.09.91.  
Формати 70×90<sup>1</sup>/<sub>2</sub>. Босмахона қозоги № 1 Оддий янги гарини-  
турада юқ-юри боғма усулида босилди. Шартли босма табоқ I, 17.  
Шартли бўёқ. оттиск 1,38. Нашр табоқ 1,5. Жамн: 100000 нусха.  
Буюртма № 6796. Баҳуси I сўм 95 тибин.

«Мерос» нешриёти, 700129, Навонӣ кӯчаси, 30 Шартнома №4—91

Ўзбекистон Матбуот давлат қўмитаси Ташполиграф  
комбинатида чп этилди. Тошкент, Навонӣ кӯчаси, 30.

**Навоий, Алишер.**

Н 14 Арбаъийи / Нашр, тайёрловчилар: К.  
ва С. Ҳасан; Шарҳловчи: А. Рустам; /  
Таҳр. ҳайъати: А. Самад (масъул мұ-  
харрир ва бошқ.— Т.: Мерос, 1991.—  
32 б.—(Навоий кутубхонаси).

**Навоий, Алишер. Сорок изречений.**

٥٥٠

علیشہ نونوی

اُر بعین

نور  
پیراث

نوایی کتب خانه